



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Китоб сотиб
олиши учун
фарзандга пул
бериш бу ҳали
уни илмга
чорлаш эмас

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 8-sentabr, chorshanba, 97 (23.533)-son

Одамлар қачон давлатдан рози бўлади?

Бу кейинги 4-5 йилда кун тартибдаги асосий савол бўлиб келмоқда. Давлат сиёсати, бошқарув идоралари фаолияти айна шу масалага қаратилган.

Шу боис, Президентимиз раислигида жорий йилнинг 23 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам аҳоли муносабатлари билан ишлашда янгича ёндашувлар белгилаб берилди. Хусусан, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал этиш, бунинг учун эса вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари аҳоли билан ҳафтанинг икки кунда учрашувлар, мулоқотлар, сайёр қабуллар ўтказиши шартлиги айтиб ўтилди.

Қайд этилган йиғилишда берилган топшириқ асосида вилоят, шу жумладан, туман ва шаҳар ҳокимликларида тезкор штаблар фаолияти йўлга қўйилди. Штаблар ҳокимлик, Халқ қабулхоналари, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, аҳоли муносабатларини тизимли ўрганиш ҳамда ҳал этиш чораларини кўрмоқда.

Вилоят ҳокимлигида ташкил қилинган тезкор штабдан олинган маълумотга кўра, жорий йилнинг шу даврига қадар 78 минг 780 та муносабат келиб тушган. Уларнинг 48 минг 779 таси ижобий ҳал этилган, 9440 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган бўлса, 242 та муносабат рад этилган. Оддий айтганда, ҳар бир муносабат ҳокимлик, сектор раҳбарлари ҳамда Халқ қабулхоналари, тегишли ташкилот ва корхоналар ҳамкорлигида батафсил кўриб чиқилган.

ИШТИХОНЛИКЛАРНИНГ ДАРДЛАРИ ЭШИТИЛДИ

Вилоят ҳокимининг Халқ қабулхонаси, корхона ва ташкилотлар мутасаддилари билан олиш ҳамда чекка ҳудудлар аҳолиси учун ўтказиётган оммавий сайёр қабуллари ҳам фуқароларни ўйлантириб келаётган муаммолар масалаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Иштихон туманида ўтказилган қабулда Пайариқ, Оқдарё, Каттакўрғон, Қўшрабат, Паст Дарғом ҳамда Самарқанд туманлари аҳолиси томонидан тоза ичимлик суви тармоғини тортиш, ҳудудларни ободонлаштириш, ички йўллари тазмирлаш, эскирган симёғочларни янгисига алмаштириш, қўшимча трансформаторлар ўрнатиш, ишга жойлаштириш, ҳудудларда ирригация тармоқларини тартибга солиш каби масалалар бўйича муносабатлар бўлди.

Масалан, Иштихон туманидаги Кўктепа маҳалласи Чиноқ қишлоғида яшовчи Эркинбой Мелиев туман марказига боришда магистраль йўлидан қайтиб олиш жойигача бўлган масофа 4 километр эканлигини, бу аҳолига ҳам, транспорт воситаларига ҳам ноқулайликлар туғдираётганини билдирди. Шу боис М-37 йўлидан туман марказига ўтиш жойини Чиноқ қишлоғига яқин жойдан очишда ёрдам сўради.

Бешбола маҳалласида яшовчи Қозоқ Ташбеков эса маҳалласи ҳудудидан ўтувчи сел йўлини тозалашда ёрдам сўраб муносабат қилди.

Сайёр қабулга келиб тушаётган муносабатларнинг аксарияти шу ернинг ўзида ҳал этилди. Муддат талаб этиладиган масалаларни эса тегишли тартибда кўриб чиқиш бўйича масъулларга кўрсатмалар берилиб, ижроси вилоят ҳокимлиги ва Халқ қабулхонаси томонидан назоратга олинди.

ОЙБЕК ҚАНДАЙ МАШХУР БЎЛДИ?

Сайёр қабул тўғрисидаги лавҳалар тарқатилган, бир лавҳа жуда оммалашиб кетди. Унда вилоят ҳокимининг ноғиронлиги бўлган йиғитга даярли барча шароитларни яратиб бериши тасвирланган.

Аслида Ойбек исми бу йиғит вилоят ҳокимидан пойабзал тазмирлаш билан шугул-

ланиш учун тикув машинкаси олишда ёрдам сўраган. Унинг ноғирон бўлишига қарамай ўзи даромад топомқчи бўлаётганини кўрган Э.Турдимов бир йўла барча жиҳозлар билан таъминланган замонавий устaxonа қуриб беришни ваъда қилди. Бунинг учун масъуллар белгиланди.

Устaxonа тумандаги жамоат транспортининг охириги бекати, яъни одам гавжум жойда ўрнатиладиган бўлди. Очқикўнгил Ойбек бундай ғамхўрликдан ноқулай бўлаётганини билдирди. Шунда вилоят ҳокими тегишли мутасаддиларга Ойбек учун муносиб турмуш ва иш шароити яратиш вазифасини юклди. Туман ҳокимлиги бир бош соғин сизир олиб беришини билдирди.

Ҳолатнинг қисқача тафсилоти шундан иборат. Тўғри, вилоят ҳокими ваколати доирасида барча ишни қилди: бир кўнгил ўқикўнгил йиғит учун ҳаётдан рози бўлиши, жамиятда ўрнини топиши учун шароит яратиш белгиланди.

Аммо у нима учун шундай қилди? Негаки, ноғирон бўлишига қарамай Ойбек тикув машинкасидан бошқа нарса сўрамади. Аксарият ҳолларда гувоҳ бўламиз, одамлар ноғирон фарзанди ёки яқинини дастак қилиб, мумкин бўлмаган, иложсиз нарсаларни муҳайё қилиш талабини қўймоқда. Камтарлик, шукур қилиш ризқ мўл бўлишига сабаб эканлиги Ойбек мисолида яна бир бор ўз исботини топмадими?!

Шу ўринда яна бир савол туғилди – Ойбекнинг муҳтожлиги кўриниб турибди, асосийси, у моддий ёрдам сўрамапти, унга нега ўзини ўзи уудалашини учун шу пайтгача шароит яратиб берилмади? Бизнингча, жойлардаги мутасаддилар муносабатлар билан ишлаш, халқни бугундан рози қилиш борасида “дўппини бошдан олиб” ўйлаб кўришлари шарт.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИСИЗ ИШ БИТМАЙДИ(МИ)?

Каттакўрғон туманида ўтказилган қабулда бу фикрнинг яққол исботига гувоҳ бўлдик. Негаки, Пайшанба шаҳарчаси Қиёт маҳалласида яшовчи Хусан Тошмаматов тадбиркорлики бошлаш истагида юрган ёшлардан. У паррандачилик билан шугулланиш мақсадида кредит олиш учун бир ярим йилдан бери овора. Хусан вилоят ҳокимининг Каттакўрғон тумани аҳолиси учун ўтказган сайёр қабулида ўзини қийнаб келаётган муаммо бўйича муносабат қилди.

У ўтган галги сайёр қабулда ҳам бу масалани кўтариб чиққан эди. Аммо масъулларнинг масъулиятсизлиги, “бажарамиз, ҳал этамиз”, деган ваъдалари сабаб, масаласи ҳал этилмаган.

Паррандачилик билан шугулланишга қизиқишим кучлигидан Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига бориб, 3 ойлик ўқув курсида ўқиб сертификат олганман, – дейди у. – Бир ярим йилдан буён “Халқ банки”га муносабат қилавериб овора бўлдим. Бугун вилоят ҳокимига муносабат қилдим. Вилоят ҳокими шу масала бир ҳафта ичида ҳал этилмаса, масъуллар ишидан овоз этилишини айтди.

Шу масала бўйича Халқ банки туман филиали масъуллари билан суҳбатлашмоқчи эдик. Улар интервью беришни истамасди.

Нахотки, туман мутасаддилари “Ёшлар дафтари”га киритилган, аммо ҳаракати бор ана шундай йиғитларга имконият яратиб бериш ўрнига улар қилган муносабатларни бештаибир қолдиришса. Ҳамма масала вилоят ҳокими иштирокида ҳал этилиши керакми?

**Ёқубжон МАРҚАЕВ,
Тўлқин СИДДИҚОВ.**



БИРИНЧИ ДАРСНИ ҲОКИМЛАР ЎТДИ

Вилоятимиздаги 1260 та умумтаълим мактабида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида “Билимлар кўни” тадбирлари ўтказилди.

Самарқанд шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов иштирок этиб, ўқитувчи ва ўқувчиларни Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги ва

янги ўқув йили бошланиши билан табриклади.

– Утган йил пандемия сабабли ўқув йилини онлайн тарзда бошлашга тўғри келганди, – деди Э.Турдимов. – Вакцинация жараёнлари, касаллик кенг тарқалишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар туфайли бу йил ўқув йилини анъанавий тарзда бошлаймиз. Лекин барибир карантин қоидаларига қатъий риоя этиш, аввало ўз соғлигимизга бефарқ бўлмаслигимиз керак. Ўқитувчилар ва ота-оналар,

ўқувчилар бунинг унутмасликлари лозим.

Вилоят ҳокими ўқувчиларни яратилган шароитлардан самарали фойдаланиб, фанларни пухта ўзлаштиришга, Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган инсонлар бўлиб етишишга даъват этди.

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳам мактабларда ўтказилган тадбирларда иштирок этиб, “Мустақиллик дарси”ни ўтди.

Самарқандда янги институт очилди

педагоглар Финландия таълим тизими асосида тайёрланади

Янги ўқув йилида вилоятда яна бир олий таълим муассасаси – Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон – Финландия педагогика институти фаолият бошлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 июндаги қарори асосида ташкил этилган янги педагогика институтида бешта – педагогика, мактабгача таълим, санъатшунослик, хорижий тиллар ва гуманитар фанлар ҳамда аниқ-табиий фанлар ва жисмоний маданият факультетлари фаолият бошлади. Институтда 14 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланиши белгиланган.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш, илгор халқаро тажрибаларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди институт директори вазифасини бажарувчи Акрам Бегматов. – Финландиялик мутахассисларнинг таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаси дунё миқёсида алоҳида ўрин тутаяди. Шу асосда мамлакатимиз таълим тизимига малакали кадрлар тайёрлаш режалаштирилган. Бунинг учун ҳамкорлик меморандумлари имзоланган Финландиянинг энг илгор олий таълим муассасалари малакали мутахассислари институтимизга жалб қилинади. Келгусида институти-мизнинг мактабгача таълим муассасаси ва умумтаълим мактаби ташкил қилиниб, тизимнинг тегишли ташкилотлари билан ҳамкорликда талабаларимизга малакали мутахассислар кўмағида амалий тажриба орттириш имкониятлари яратилади.

Таъкидлаш жоизки, янги ўқув йилида Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон – Финландия педагогика институтига 2160 нафар талаба ўқишга қабул қилинди. Уларнинг 1300 нафари кундузги, 375 нафари кечки, 800 нафари сиртки таълим шаклида ҳамда 135 нафари магистратурада таълим олади. Таълим ўзбек, рус ва тожик тилларида олиб борилади. Уларга 150 нафар ўз соҳасининг етук профессор-ўқитувчилари дарс беради.

Алишер ИСРОИЛОВ.



Кўчада қолаётган ТАЛАБАЛАР

Таҳририят жойлашган маҳалла ўқиш бошланиши билан гавжум гўшага айланади. Эрталаб ўқишга шошаётган ва тушдан сўнг қайтаётган талабаларга дуч келиб қолаверасиз. Гап шундаки, мазкур ҳудуд бир нечта олий таълим муассасаларига яқин бўлгани учун ижара уйлар кўп. Йўлқирага пул сарфламаслик, дарсга ўз вақтида етиб бориш учун шу атрофдан ижарага уй изловчилар жуда кўп.

Айниқса, кейинги йилларда ижара уй сўровчилар сони янаям ортди.

Кеча кечки еттиларда ишдан чиқиб, бекатга қараб йўл олганим, уч йиғит «Ижарага қўядиган танишларингиз йўқми, мабодо, опа?», дея саволга тугиб қолишди. Навоидан қелишган экан.

– Ижара уйлар шу атрофда кўп-кўп, сурштирмадингизми?

– Тўғри, бор, лекин бу ерда уч метрга тўрт ҳажмли битта хонага олти кишигача жойлаштиришяпти. Санитария ҳолати ҳам яхшимас. Яна шу аҳволдаги уйларга ҳар бир боладан ойига 250 минг сўм сўрашяпти. Бунақа хонада дарс тайёрлаш тугул ортиқча ҳаракат ҳам қилиб бўлмайди,

дея кўюниб гапириб берди Шоҳжаҳон исмили йиғит.

Савол – жавоб орасида уларнинг грант асосида тиббиёт институтига талабаликқа қабул қилингани, икка-ласининг ҳам кам таъминланган оила фарзанди эканлиги маълум бўлди. Бирови отасиз ўсган, яна бирининг эса оиласи қийинчилик билан кун кечирар экан.

– Онангиз «Аёллар дафтари» рўйхатида бўлса, қолаверса, бошқа вилоятдан келган талабалар ётоқхонада яшашлари мумкинми?

– Билмадик, бизга бу ҳақда ҳеч ким маълумот бермади, – дея елка қисади йиғитлар.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

САЙЛОВГА 46 КУН ҚОЛДИ

Ҳар бир фуқаро сайловчиларнинг рўйхатларидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида муносабатни текшириши ва хатони ёки ноаниқлигини бартараф этиши ёхуд муносабат қилувчига унинг муносабати рад этилганлиги тўғрисида асосланган жавоб бериши шарт.

Участка сайлов комиссиясининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 30-моддасидан.



24 О'ЗBEKISTON PREZIDENTI OKTABR 2021-YIL SAYLOVI

Ишонч – масъулият дегани

Атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кузата туриб, Ўзбекистон илм-фан мамлакатига айланмоқда, дейиш мумкин. Янгиланаётган, улкан ислохотлар амалга оширилаётган юртимизда таълимга ва илм-фан ривожига, олимларнинг меҳнатига катта умид билдириляётгани ва уларнинг фаолияти эътироф этиляётгани шундан далолат.



Этилди ва қисқа муддат ичида унинг илмий салоҳияти 36 фоизга етди.

Институт бугун дунёнинг тўқсонга яқин етакчи, топ-1000 таликдан жой олган нуфузли олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорликини йўлга қўйган. Улар бизнинг яхши томонларимизни ўрганмоқда ва биз уларнинг илгор

тажрибаларини амалиётга жорий этаёмиз. Ҳамкорликда бир нечта қўшма факультетлар ташкил этилди.

Институт қошида академик лицей, бир нечта техникум, шунингдек, институтнинг Нукус ва Тошкент филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Мухими, мамлакатимиз иқтисодидеги, ветеринария ва чорвачилик соҳаси учун керакли, рақобатбардош ва замонавий биллимири эгаллаган мутахассислар тайёрлашга интиляёмиз.

Энг улуг, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида менга берилган “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор” унвони, Президентимизнинг эътибори ва эътирофи зиммамизга катта масъулият юклайди. Бу масъулият бизни янада улуг ишларга илҳомлантиради. Ушбу мукофот жамоамизнинг ютуғи ва меҳнатлари самарасидир.

Худайназар ЮНУСОВ,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори, биология фанлари доктори, профессор.
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор.

Нарпай тумани Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Ҳаким Расулов 2020 йилда “Намунали томорқачи” кўкрак нишоми билан ва яқинда “Содиқ хизматлари учун” медали билан таъдирланди. Томорқачилик билан шуғулланувчи Ҳаким ака қандай қилиб бундай эътирофларга сазовор бўлди?

Маҳалласини бой қилган томорқачи



– 2002 йилдан буён 20 сотих томорқамда йилга уч мартагача экин экман ва оилам фаровонлиги ҳам шу томорқа даромадидан, – дейди Ҳ.Расулов. – 2010 йилдан бошлаб томорқамда гулқарам етиштиришни бошладим. Тажрибамдан кўрдимки бу экин иқлим шароитига тўла мос келади ва яхши ҳосил беради. Қолаверса “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида маҳалладошларимга ҳам шу экинни экиш, маҳсулот етиштириш, даромад олиш йўлларини ўргатиш, кўчатларини тайёрлаб берамман. Ҳозирда биргина маҳалламизнинг ўзида 60-70 дан ортиқ оила гулқарам етиштиришни йўлга қўйди ва меҳнати ортидан яхшигини даромад топяпти. Бундан ташқари, туманимизнинг бошқа маҳаллаларидан ҳам маслаҳат сўраб келган томорқачиларга бажонидил қўлак берамман.

1 февралгача йўғма иссиқхонада полиэтилен плёнка остида гулқарам экман. 20 сотих томорқага 7 мингта кўчат экилади ва май ойигача биринчи экинда ҳар бир кўчат ўртача 1 килограмдан ҳосил беради. Унинг килограмини ўртача 5 минг сўмдан сотаман. Кўряпсизми, бу пайтда айрим томорқаларда ҳали экинлар энди унаётган пайтда мен 35 миллион сўм даромадга эга бўламан. 1-10 майгача экиндан бўшаган томорқага аввалдан тайёрланган қизил қарам ва бошқарам экман. Иккинчи ҳосил анча салмоқли бўлади ва ҳар бир кўчатдан ўртача 5 килограмдан ҳосил олинади. Иккинчи ҳосилдан ўртача 25 миллион сўм атрофида даромад олам. Сентябрьдан томорқага салат барги ва бошқа кўчатлар экиб, декабргача 10 миллион сўмдан ортиқ даромад қиламан. Шу меҳнатим ортидан қизимни узатдим, янги уй қурдим, ўғилларим институт-

да ўқишяпти, иккита “Дамас” автомобили олдим. Бир томорқа меҳнатидан шунча даромадга эришдим. 2020 йилда “Намунали томорқачи” кўкрак нишонининг берилиши меҳнатимизга рағбат бўлганди, мустақиллигимизнинг 30 йиллик тантаналари арафасида Президентимизнинг фармонида асосан “Содиқ хизматлари учун” медали билан таъдирландим, бундан албатта хурсандим.

Бу медал аввало, ризқ, эътибор ҳалол меҳнатда эканлигини англатади. 80 ёшга кирган онам борлар. У киши ҳар доим ҳалол меҳнат қилишмини уқтирадилар. Онаминг насиҳатларига кириб кам бўлмадим. Яъни, инсоннинг нияти яхши бўлса у оддий томорқачи бўлса ҳам элда эъзоз топади, меҳнатлари эътироф этилади. Аслида юртимизнинг ҳар бир қаричери, эгаллаб турган томорқа ерларимиз бебаҳо, унда меҳнат қилган киши кам бўлмайди, ризкин топади.

Кўчада қолаётган ТАЛАБАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Тўғриси, яқиндагина ўғлим юртимиздаги олийгоҳларда амалга оширилаётган 2+2 дастури бўйича Белорусда ўқишга кетгани учун, эндигина оила бағридан чиқиб, бошқа вилоятга йўл олган йигитларнинг кўпини вазиятга тушиб қолганини кўрганамиз кўнглим алланечук бўлди.

КУТИБ ОЛИШДАН ЖОЙЛАШГАНЧА...

Мен ҳам барча оналар қатори ўғлимни бошқа давлатга минг хавотир билан кузатдим. Ахир биринчи марта четга чиқаётган бўлса, ўқиш жойини қандай топиб боради, қандай шароитда яшайди, деган саволлар хавотир қаршида қолдим. Самолётдан тушгач, дарҳол етиб боргани тўғрисида хабар, бироз муддат ўтиб эса жойлашгани ҳақида видеохабар жўнатди.

Ўғлимнинг айтишича, уларни ўзлари тақсир олиши керак бўлган институтдан волонтер йигитлар кутиб олгач, автобусда институт ётоқхонасигача олиб бориб, жойлаштириб, ушбу давлатда улар билиши лозим бўлган энг зарур қоидаларни тушунтириб ўтган. Шу тариқа ортинча саволга ўрин қолдиримай, ўзбекистонлик йигитлар жойлашиб, хотиржамлик билан 1 сентябрь куни дарсларга қатнай бошлашди.

Мавзуга мос бўлгани учун ётоқхонадаги баъзи шарт-шароитларга ҳам тўхталиб ўтсам. Икки, уч кишилик хоналарда замонавий қаравот, дарс тайёрлаш учун стол-стул, кийим ва китоб жавони бор. Ҳар беш кишилик бўлмаларда иссиқ совуқ сув билан таъминланган ҳожахтаона, душхона мавжуд. Кўрпа, кўрпачалик жилдлар, дераза пардалари ҳам бор. Ҳар каватли ётоқхонанинг ҳар бир қаватида ошхона, қолаверса, умумий фитнес зали ҳам талабалар ихтиёрида экан. Ушбу шароитлар учун ҳар бир талаба ойига 45 АҚШ доллари миқдорига маблағ тўлаши лозим. Хонасига музлаткич олиб кириш учун ойига 5 АҚШ доллари, кир ювиш машиналаридан фойдаланиш ҳам ойига тахминан шунчадан тушади. Ётоқхона шаҳар марказида, ўқиш жойига яқин. Ётгинасида талабалар учун арзонлаштирилган ошхона фаолият кўрсатади.

Билишимизча, мазкур ётоқхона маҳаллий муниципалитетга тегишли бўлиб, талабалар учун имтиёзли яшаш жойи сифатида кўрилади.

Шундан сўнг интернет орқали бошқа хўдудлардаги ётоқхоналар ҳақида маълумот изладим. МДҲ давлатларининг баъзиларида аллақачон арзон, ижтимоий ётоқхоналар қурилиши оммалаштирилган ва талабалар ҳам, уй-жойга муҳтож аҳоли ҳам бу имкониятдан кенг фойдаланади. Улардаги шарт-шароитлар юқорида мисол келтирганим Белорусдаги сингари.

КВОТАЛАР ОШГАН, ЁТОҚХОНАЛАР ЭСА ЙЎҚ

Ҳали 2020 йилдаёқ талабалар ётоқхонаси муаммоси ҳукумат даражасигача кўтарилиб, мамлакатимиз раҳбари томонидан бу борада тегишли топшириқлар берилганди. Хусусан, мамлакатда 170 та ётоқхона қурилиши кераклиги ҳақида бонг урилганди.

ни қандай баҳолаш мумкин?

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг талабалар турар жойи капитал реконструкциядан сўнг 250 ўрндан 375 ўринга кенгайтирилган.

ЯГОНА ЕЧИМ...

Умуман, барча олий таълим муассасалари айни кунларда ётоқхонага кучли эҳтиёж сезмоқда. Масалага ечим сифатида ҳозирча Президентимизнинг “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чоралари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси қаралмоқда.

Унга қўра, давлат олий таълим муассасаларида талабалар турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этишнинг давлат-хусусий шериклик асосидаги тизими жорий этилади.

2021 – 2025 йилларда олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш дастурига қўра, 2021 – 2025 йилларда тармоқлар ва хўдудларни ривожлантиришнинг тасдиқланган концепциялари ва дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида давлат бюджетидан маблағларни ҳисобидан қуриладиган талабалар турар жойлари рўйхати тузилиши, 2021 – 2025 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар; давлат-хусусий шериклик асосида талабалар турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш лойиҳаларини махсус ҳисобварақдан кредит билан таъминлаш ҳамда давлат шериги маблағлари ҳисобидан қисман молиялаштириш тартиби тўғрисида низом тасдиқланади.

ЖОЙ ТОПОЛМАГАНЛАР КЎЧДА ТУНАЙДИМИ?

Жараён энди бошланди, ҳозирча бу ҳақда бирорта институт мутасаддиси аниқ фикр билдиришни истамапти. Аммо ҳар бир олий таълим муассасаси ҳеч бўлмаса бошқа вилоятдан келган талабалар билан алоҳида учрашув ташкил қилиб, уларга мавжуд вазиятни, шарт-шароитни тушунтириши керак эмасми?

Навоийлик йигитлар каби бугун Самарқандда қанчадан-қанча йигит-қизлар бошлана излаб сарсон юрганини кўпчилик билади. Яхши билан, Самарқандда имтиёзлар асосида ўтган йиллар давомида юзлаб оилавий меҳмон уйлари очилганди. Хорижлик сайёҳларнинг пандемия муносабати билан келиши кескин пасайгани туфайли бугун ушбу меҳмон уйлари бўшаб қетибди. Эҳтимол олий таълим муассасалари улар билан вақтинча бўлса-да, шартнома имзолаши ҳам мумкин.

Эҳтимол, вақти келиб бизда ҳам ижтимоий ётоқхоналар қурилишига алоҳида эътибор қаратилади. Нафақат талабалар, балки кам таъминланган оилалар учун ҳам жуда муҳим саналган бундай турар жойлар ҳақида аниқ лойиҳалар МДҲ мамлакатларида аллақачон натижасини бераётир.

Мақолани тугатар эканман, қоронғу тушиб қолганда қаерга боришни билмай сарсон юрган йигит-қизлар ҳаёлимдан кетмади... Уларнинг қанчаси қаерда тунаб қолган бўлиши мумкин?

Гулрух МЎМИНОВА,
«Зарфшон» мухбири.

Бугунги кунда кўп қаватли уйларни қуриш орқали аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш кўзда тутилган. Аммо янги қурилган уйларни самарали бошқариш бўйича муаммолар юзга келаяпти. Уйлардаги электр энергияси, табиий газ тармоқлари, алоқа-коммуникация тизимлари, лифтларга хизмат кўрсатиш, чиқиндиларни ташвиш, худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларини амалга оширишда камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 19 июндаги “Кўп квартиралы уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига қўра, кўп қаватли уй-жойлар жойлашган худудларини очик танлов ўтказиш йўли билан бошқарувчи ташкилотларга бириктириш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда.

Жумладан, Самарқанд шаҳар Қорасу ва Баҳодир Ялангтўшбий номли маҳаллаларда қурилган 3 768 та хонадонга эга 53 та кўп қаватли уй-жойларга “Нур Шарқ Тесс” МЧЖ бошқарув компанияси хизмат қилмоқда. Ушбу компанияда 24 соат мобайнида фаолият юритадиган диспетчерлик хизмати ташкил этилган.

Август ойида вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан бир гуруҳ мутахассислар Тошкент шаҳрида бўлиб, кўп квартиралы уй-жойларга хизмат кўрсатиш тизимини ўрганиб келди. Жумладан, Юнусовлар туманидаги кўп квартиралы уй-жойларга хизмат кўрсатувчи “Феникс арт сервис” бошқарув компаниясининг хусусий уй-жой ширкатларидан фарқи, иш юритиш, тўлов қилиш усуллари, шунингдек, ҳам бошқарув тизимига, ҳам аҳолига қулайликлар яратиш йўллари билан яқиндан танишди. Янги тизимда 24 соатлик авария диспетчерлик

Янги бошқарув тизими

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари йўл қўйган хатоларни такрорламайдими?

Хизмати фаолият юритади. Бу эса ҳудудга юзга келган муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этишга ёрдам беради. Шу пайтгача амалда бўлган уй-жойларга хизмат кўрсатиш усули ўзини оқламай қолди. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аҳолидан тўловларни талаб қиларди, лекин уйларни таъмирлаш чиқиндилардан тозалаш каби муҳим вазифалар бажарилмай қоларди. Кўз-қош масвумига тайёргарлик ҳам қанчалик бўлиб қоларди. Бу эса аҳолининг норозилигига олиб келди.

Энди вилоятдаги барча туман ва шаҳарлардаги кўп қаватли уй-жойларга ширкатлар эмас, янги - бошқарув ташкилотлари хизмат кўрсатади. Мазкур янги ташкилот ҳар бир уй учун алоҳида ҳисоб рақами очади. Тўшган маблағлар фақат шу кўп қаватли уй-жой учун сарфланади. Бундан ташқари, бошқарув компанияси турли сервис хизматларини ҳам тақдим этади. Қўриқлаш хизмати, видеокузатув, маиший чиқиндиларни саралаш каби хизматлар аҳоли хоҳишига қараб амалга оширилади. Шунингдек, ташкилот томонидан худудда мавжуд уй, боғча, мактаб ёки қорхона ва ташкилотлар учун индивидуал хизмат кўрсатилади. Улар билан алоҳида шартнома тузилади. Ана шу худуддаги коммуникация тармоқлари мазкур ташкилот тизимида бўлади.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Самарқанд шаҳрининг Сартела масканида 2 та, Кимёгарлар кўрғонига 2 та, Фарҳод шаҳарчасида 1 та бошқарув компанияси ташкил қилиш режалаштирилган. Худудлардаги кўп қаватли уй-жойлар қириш йўлақлари, фасад қисми, ён-атрофлари ободонлаштирилиб, болалар майдончалари, автотураргоҳлар барпо этилади.

Янги тизим йўлга қўйилса, уй-жой коммунал соҳасида ҳар томонлама ижобий ўзгаришлар бўлади. Лекин аввало, бунинг учун бошқарув компаниялари ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш лозим. Бу вазифани бошқарув компанияларининг ўзи амалга оширади.

Янги бошқарув тизимининг эски хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларга нисбатан афзалликлари жуда кўп. Аввало моддий-техник база таъминоти ошади. Аҳоли билан тузилган ўзаро шартнома асосида ўз худудидаги коммунал хизматларини бажаради. Бу ўз навбатида аҳолининг тўловларга бўлган масъулиятини оширади. Шунингдек, кўп қаватли уйларни қуз-қош масвумига тайёрлашда давлат идораларига суяниб қолинмайди. Фуқароларнинг коммунал хизматдаги муаммоларини ҳал этишда энг қимматли бўлган вақти тежаллади.

Баҳодир НЕҒМАТОВ,
вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи.

««« Мулоҳаза учун мавзу »»»»

Уйимизга газчи, светчи келса эшигимизни очмаймиз НЕГА?

Икки қўшни сўхбатлашяпти...

– Кеча бир киши уйимиз дарвозасини роса тақиллатиб, хуноб қилди, эшик тирқишдан мўраласам кийимига газ бир балоси деб ёзилган экан. Тақиллатишга газчи келди, газчи келди.

– Бекор эшигингизни очмабсизда, улар бизникига ҳам келиб, газ плитамизни текширди, дуд бўронларимизни тозалаб кетди. Хизмат шартномаси бор экан озгина тўлов қилдим, холос. Бундай гаплар қулоғимизга тез-тез чалиниб туради. Ҳалигача коммунал хўжалик идораларидан ўзимизни қўриқдан ўтказилар экан. Шундай ҳам қилдик, мутахассислари келиб барчасини назоратдан ўтказди.

Аччиқ бўлса-да, юқоридаги икки қўшнинг сўхбатидан ҳам бор. Афсуски, “мен шу худуд инспектори-ман, мени ёзганим бўлади” дея ўзини катта тутадиган ходимлар ҳали ҳам бор. Шу боис уй эшигини очидан беизиб қолганмиз. Инкор қилмаймиз тизимда уларни ўқитиш, ҳалқ билан ишлашга ўргатиш йўлга қўйилганини эшитганмиз. Лекин аҳоли орасидаги гап-сўзлар буни аксини кўрсатмаяптими? Балки янгича ишлаш бўйича тақлифларни аҳолидан олиш керакмикан.

қардорлик, тармоққа ноқонуний улашиш “ўғирлик”лар қамаймоқда. Энг муҳими, носоз ҳисоблагичларни аниқлашнинг ҳам имкони яратилмоқда. Афсуски, акли ҳисоблагич ўрнатдик, энди уларни уйимизга киришига ҳожаат йўқ дегувчилар кўпайди. Бу албатта нотўғри қарор.

Бу касб эгалари ҳақида ҳам айрим гапларимиз бор. Газ идорасига уйдаги газ ҳисоблагич носозлиги ва уни янгисига алмаштириш бўйича мурожаат қилганман. Улар ҳар бир хонадон учун бир йиллик тузиладиган хизмат кўрсатиш шартномаси борлигини билдирди. Агар шартнома орқали тўлов қилсангиз, йил давомида газ ускунангиз қўриқдан ўтказилар экан. Шундай ҳам қилдик, мутахассислари келиб барчасини назоратдан ўтказди.

Аччиқ бўлса-да, юқоридаги икки қўшнинг сўхбатидан ҳам бор. Афсуски, “мен шу худуд инспектори-ман, мени ёзганим бўлади” дея ўзини катта тутадиган ходимлар ҳали ҳам бор. Шу боис уй эшигини очидан беизиб қолганмиз. Инкор қилмаймиз тизимда уларни ўқитиш, ҳалқ билан ишлашга ўргатиш йўлга қўйилганини эшитганмиз. Лекин аҳоли орасидаги гап-сўзлар буни аксини кўрсатмаяптими? Балки янгича ишлаш бўйича тақлифларни аҳолидан олиш керакмикан.

Хусан ХУШЁР.

Трансёғларнинг биз билган ва билмаган хусусиятлари

Организм учун энергияга бой зарур озуқавий моддалардан бири ёғлар ҳисобланади. Инсон ҳар куни сарф қиладиган энергиясининг қарийб 1/3 қисмини ёғларни истеъмол қилиш ҳисобига олади. Кўпчилигимиз ёғнинг физиологик меъёрдан ортиқ даражада истеъмол қилиниши организмга зарар келтиришини билсак-да уларнинг сифат кўрсаткичлари ҳақида тасаввурга эга эмасмиз.

Ҳўш, трансёғлар ўзи нима? Нега бундай маҳсулотни истеъмол қилишни чеклашимиз зарур?

Трансёғлар - таркибида тўйинмаган ёғ кислоталарининг транс-изомерларини тутувчи ёғлар ҳисобланади. Саноатда трансёғлар суюқ ўсимлик мойлари таркибидаги тўйинмаган ёғ кислоталарини водород билан тўйинтириш натижасида олинади. Бунда мой суюқ ҳолатдан қуюқ ҳолатга ўтади. Гидрогенизация жараёни ёғларнинг яроқлик муддатини анча оширади, шу сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун фойдаланишда бирмунча қулайлик туғдиради.

Маълумки, суюқ ўсимлик мойлари таркибида кўп миқдорда тўйинмаган ёғ кислоталари бўлганлиги учун инсон организмда тез ҳам бўлади ва фойдали ҳисобланади. Суюқ мойларда гидрогенизация йўли билан ишлов берганда эса юқори босим ва ҳароратда уларнинг таркибида ёғ кислоталарининг транс-изомерлари ҳосил бўлиб, улар инсон организмни учун ҳафни вужудга келтиради.

Таркибида трансёғлари бўлган маҳсулотларга маргаринлар, спредлар, попкорн, чипс, фаст-фуд, печенье, вафли, кремлар, соуслар, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган қуруқ аралашмаларни киритиш мумкин.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти инсон организмни учун зарур бўладиган суткалик энергиянинг фақат бир фоизи трансёғлар ҳисобига тўғри келишини тавсия қилади. Бу дегани биз бир суткада истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларимиз таркибида трансёғларнинг миқдори 2-3 граммдан ошмаслиги зарур.

Сўнги йилларда олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида бўладиган трансёғларни истеъмол қилиш инсон соғлиғининг тезда ёмонлашуви келтириб чиқармаса-да, узоқ муддат давомида узлуксиз истеъмол қилиш юрак-қон томир атеросклерози, диабет, семириш касалликларининг авж олишига олиб келиши мумкинлиги исботланган. Шу сабабли бугунги кунда Россия, Австрия, Дания, Венгрия, Исландия, Норвегия ва Швейцария мамлакатларида трансёғлар истеъмоли қонун билан чегараланган.

Ҳар биримиз озиқ-овқат рационимизга бефарқ бўлмасдан, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилганда таъғисидида ахборотларни яхшилаб ўқиш, трансёғлар мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари харидини ва истеъмолини чеклашимиз лозим. Бу билан ҳар биримиз соғлом турмуш тарзига риоя қилишнинг муҳим элементини кундалик ҳаётимизда татиқ этган бўламиз.

Рўзбой НОРМАХМАТОВ, САМИСИ профессори, Акрам ҒАФУРОВ, ассистент.

Каттақўрғон шаҳри ва Ингичка қўрғончасидаги марказий шифохона 85 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

Бирлашма таркибида 420 ўринли марказий шифохона, Ингичка қўрғончасида тиббий-санитария бўлими ишлаб турибди.

Диагностика бўлимида 5 турдаги инструментал ва 35 турдаги таҳлил-текширувлар йўлга қўйилди. Биринчи марта онкомаркерларга текширув ва тўлиқ гормонал таҳлиллар ўтказила бошланди.

– Икки йил бурун инвестиция дастури асосида 6 миллиард 150 миллион сўм маблағ йўналтирилиб, 100 ўринли турғуқ бўлими фойдаланишга топширилди, – дейди Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбари Ойбек Бобомуродов. – Бунда ҳомиладорлик патологияси, гинекология, хаста чақалоқлар ва 50 ўринли турғуқ бўлимлари иш бошлади. Шунинг учун ҳудудда кейинги 2 йил давомида ҳомиладор аёллар ва гўдаклар ўлими кузатилади. Ўтган йилдан 6 ўринли туман-



Барча ишни шовқин-суронсиз бажарса бўлади

лараро “гемодиализ” бўлими иш бошлаб, шаҳар аҳолиси ва Пахтачи Нарпай, Каттақўрғон туманларидан келган беморларга хизмат кўрсатилляпти.

Даволаш ишлари бўйича ўринбосарим Ҳусниддин Ҳудоёров раҳбарлигидаги ёшлар гуруҳи пандемия даврида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, вирусга чалинганларга зарур ёрдам кўрсатиш борасида ибратли ишларни амалга оширди. Айни кунларда 10 та бригада врач ва ҳамширалар билан бирга ҳар куни 1400-1600

нафар инсонни эмламоқда.

Пандемия даврида яқка-ёлғиз яшовчи фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур муолажалар амалга оширилмоқда, гуманитар дори-дармон, реабилитация-техник воситалари билан таъминланмоқда. Карантин даврида тиббий-ижтимоий ҳодимлар томонидан ушбу фуқароларнинг яшаш хонадонларида дезинфекция-тозалаш ишлари олиб борилди.

54 нафар бирламчи ногиронларга ҳасса, ногиронлик аравачаси, эшитиш ускунаси ва қўлтиқтаёқ берилди.

Бугунги кунда “Д” назоратидаги кишилар билан телефон орқали мулоқот олиб борилиб, зарурат бўлганда уйда кўрик ташкил қилинади. Шу асосда тегишли дори-дармон берилмоқда. 713 нафар ҳомиладор аёлдан тез-тез хабар олиб турилибди.

Мақсадимиз ҳар бир беморни соғ-саломат оиласи бағрига кузатиб қўйишдан иборат. Ҳар қандай жойда ҳам муаммо бўлиши мумкин, гап уни шовқин-суронсиз ҳал этишда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ.

Сартепадаги кўп қаватли уйда ёнғин содир бўлди

2021 йилнинг 6 сентябрь куни соат 13:36 да вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси диспетчерлик хизматиغا Самарқанд шаҳар Сартепа маскани, Ҳофиз Шерозий маҳалласидаги кўп қаватли уйда яшовчи, 1984 йилда туғилган фуқаро И.Ю.нинг хонадони ошхонасида ёнғин содир бўлаётганлиги тўғрисида тезкор ха-

бар келиб тушди.

Ушбу хабардан сўнг воқеа жойига Самарқанд шаҳар ФВБнинг 3 та ёнғин-қутқарув экипажи соат 13:46 да етиб бориб, ёнғинни соат 14:25 да ўраб олган ҳамда соат 14:41 да ҳодиса тўлиқ бартараф этилган. Қутқарувчиларнинг тезкор ҳаракати натижасида ёнғиннинг қўшни хонадонларга тарқалиб кетиши

олди олинган.

Ёнғинда яшаш уйининг 35 метр квадрат майдони, ошхона жиҳозлари зарарланган. Ҳодиса оқибатида жабрланган ва ҳалок бўлганлар йўқ.

З.КАРИМОВ, Самарқанд шаҳар ФВБ инспектори, лейтенант.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada ikki marta - chorshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Juma elevatori» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 6 октябрь куни соат 10:00 да жамият маъмурий биноси мажлислар залида ўтказилади.

"Ўздонмахсулот" АКНИНГ 29.07.2021 йилдаги 17-3/57-1006 сонли хатига асосан навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибида қуйидаги масалалар муҳокама қилинади:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи президумини сайлаш;
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш ва санок комиссияси аъзоларини сайлаш;
3. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш.

* Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида

иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабарнома олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2021 йил 8 сентябрь куни ва навбатдан ташқари умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2021 йил 6 октябрь кунига белгиланган.

* Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йил 6 октябрь куни соат 10:00 дан 12:00 га қадар давом этади.

* Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ва уларнинг вакиллари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончномалар билан келишлари сўралади.

Мурожаат учун телефон: 66-465-15-27.

Жамиятнинг электрон почта манзили: jumadon@mail.ru

Ҳурматли акциядорлар! Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотларни жамият акциядорларига сифатли ва тезкор равишда етказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ электрон почта орқали амалга оширилишини инобатга олиб, сиздан электрон почта манзилини (Email) тақдим этишингиз лозимлигини маълум қиламиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳри, Фитрат кўчаси, 2-уй. Жамият кузатув кенгаши.

УМУМий ЙИГИЛИШ ЎТКАЗИЛАДИ!

Самарқанд туманидаги «SAMARKAND-PARRANDA» акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхонаси таъсисчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 30 сентябрь куни соат 10:00 да жамият мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИДА:

«SAMARKAND-PARRANDA» акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхонасини тўлиқ ворислик асосида «SAMARKAND-PARRANDA» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилиши кейинчалик корхонанинг барча дебиторлик ва кредиторликлари бўйича «SAMARKAND-PARRANDA» МЧЖ жавобгарлигини маълум қилиш.

Манзил: Самарқанд тумани Янгиариқ маҳалласи. Жамият кузатув кенгаши.

Элмурод ТОШМУРАТОВ

Самарқанд вилояти ветеринария бошқармаси бошлиғи, соҳада узоқ ва самарали меҳнат қилган Элмурод Тошмуратов бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди.

Э.Тошмуратов 1973 йилда Паст Дарғом туманида туғилди. 1990 йилда ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд кишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирди.

1995 йилда институтни ветеринария врачлари мутахассислиги бўйича тугатгач, меҳнат фаолиятини Паст Дарғом туманидаги "Паст Дарғом" ижара хўжалиги ветеринария санитарлигидан бошлади.

Шундан кейин туман ветеринария бўлими ветеринар врачлари, ветврач-сеурологи, ветеринария лабораторияси директори, туман ветеринария бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. Бу вақт оралиғида ветеринария соҳасидаги билимлари

ни амалиётга кенг қўллади ва катта тажриба тўплади.

Элмурод Тошмуратовнинг чорвачилик, ветеринария тизимидagi билим ва кўникмалари, орттирган салоҳияти, шунингдек, раҳбарлик қобилиятини ҳисобга олиб, 2013 йилда уни Самарқанд вилояти давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи лавозимига лойиқ кўришди.

Элмурод ака шу пайтга қадар бу лавозимда баҳоли қудрат ишлаб, соҳага янгиликлар киритди, ветеринариянинг замонавий услуб ва амалиётини тармоққа жорий этди.

Элмурод Амирович қайси лавозимда ишлаганини, ўзини малакали мутахассис, ўз касбини севадиган ва соҳаси бўйича тақомил билимларга эга бўлган, замонавий ветеринарияни мукамал ўзлаштириб олган, соҳада етарлича тажриба ва кўникмалар ортирган



раҳбар сифатида кўрсатиб келди.

Э.Тошмуратов яхши оила бошлиғи, фарзандлари тарбиясига жиддий қарайдиган, Ватанга, жамоасига содиқ ва фидойи инсон эди.

Бутун умрини ветеринария ва чорвачиликни ривожлантиришга бағишлаган фидойи инсон Элмурод Тошмуратовнинг номи, қилган ишлари оиласи, яқинлари ва дўстлари қалбига абадий сақланиб қолади.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ВЕТЕРИНАРИЯ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Оқдарё туманидаги «FARXOD MADAD SERVIS» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 302105027) ўз устав фондини 3 123 480 331 (уч миллиард бир юз йигирма уч миллион тўрт юз саксон минг уч юз ўттиз бир) сўмдан 437 463 154 (тўрт юз ўттиз етти миллион тўрт юз олтиш уч минг бир юз эллик тўрт) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Оқдарё тумани Р.Ҳамраев массиви.

Оқдарё туманидаги «NILUFAR NAFIS ISSIQXONASI» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 306941613) ўз устав фондини 1 569 428 000 (бир миллиард беш юз олтиш тўққиз миллион тўрт юз йигирма саккиз минг) сўмдан 784 714 000 (етти юз саксон тўрт миллион етти юз ўн тўрт минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Оқдарё тумани Барака массиви.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисровна нотариал идорасида мархум Жаббаров Яхёга (2005 йил 15 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматкулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида мархум Жумаев Жиракулга (1986 йил 13 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматкулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шукурова Лобар Олимжон қизи нотариал идорасида мархум Жураева Зурафога (2013 йил 12 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шукурова Лобар Олимжон қизи нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳкўчаси. Мўлжал: Самарқанд вилояти ИИБ ЙҲХБ, шаҳар мудофаа ишлари бўлими.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аминов Машхуржон Юсуфович нотариал идорасида мархум Шарипов Файзулло Махмудовичга (2013 йил 19 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аминов Машхуржон Юсуфович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Сугдиёна маскани, 14/12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисровна нотариал идорасида мархум Патапов Дмитрий Анатольевичга (2021 йил 21 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисровна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасида мархум Исматова Ромила Иноятиллаевнага (2021 йил 12 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахрамова Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида мархум Магдиев

Анвар Рухуллаевичга (2020 йил 24 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида мархум Ачилова Холбибига (2019 йил 17 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Раҳмонов Сарвар Ньёматиллоевич нотариал идорасида мархум Алиев Авазжон Салиевичга (2020 йил 18 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳмонов Сарвар Ньёматиллоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 60-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Булунғур педагогика ва спорт коллежидан 2011 йилда Убайдуллаев Мирзабек Бердимурод ўғли номига берилган К № 2059999 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Йўлдошева Зайнаб Муродилла қизи номига берилган У № 5928995 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд кишлоқ хўжалик институтини қандайдиган академик лицейдан 2014 йилда Сафоев Амир Носирович номига берилган рўйхат рақами 4, L № 199585 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Истиқлол илҳомлари»

Адабиёт ва санъатнинг инсоният ақлу тафаккурига, руҳиятига таъсирининг беқислиги тонгда куёшнинг чиқиши каби исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шу боис гуманистик ғоялар қарор толган жамиятларда, инсон қадр-қиммати эъзоз топаётган, ҳақ-ҳуқуқлари пойдор бўлаётган мамлакатларда ижод аҳлига алоҳида эътибор қаратилган.

Давр ва ижодкор

Глобаллашув жараёнлари кеча-ётган бугунги кунларда, айниқса, ёшлар онг тафаккурига ёт ғояларнинг тўғридан-тўғри кириб бораётганлиги сир эмас. Бугун жамиятда адабиёт ва санъатнинг роли ҳар қачонгидан кўра муҳим мазмун касб этаётганлиги табиий ҳол.

Кўтарилиши Мовароуннаҳр ва Хуросонда иккинчи Ренессанси бошлаб берган эди. Худди шу каби биз 125 йилдан сал зиёдрок вақт мобайнида навбатдаги босқиндан сўнг истиқлолга эришдик. Табиийки, тафаккур қарамлигидан қутулиш ҳам осон кечмайди. Шу боис илм ва ижод соҳасида амалга оширилаётган туб ўзгаришларни сифат жиҳатдан янги оруз интилишлари замони ўзгартиради, табиийки, замондаги ўзгаришлар адабиётнинг янгилиниши ҳам талаб этади.

Ҳар бир даврнинг ўз ғоялари бўлганидек ўз шакллари бўлиши ҳам тарихий заруратдир. Кечаги тузумдагидек бугун ҳеч ким ижодкорга "уни ёз, буни ёз", деб кўрсатма бермайди. Ана шу эркинлик – ижодкорга берилган олий имтиёз. Ҳозирги адабиёт мумтоз адабиёт ҳамда жаҳон адабиётининг ҳаётбахш аъналарини ўзлаштирмақда, яратилаётган асарларда шу аъналарга содиқлик кўзга ташланмоқда. Инсон кайфияти, оруз интилишлари замони ўзгартиради, табиийки, замондаги ўзгаришлар адабиётнинг янгилиниши ҳам талаб этади.

Ҳозирга қадар яратилган бадиият дурдоналарини ўқишга бир умр камлик қилади. Бироқ бугунги адабиёт ўз даврининг бадиий солномаси бўлиб қолиши зарур. Шунинг учун унда турли замон ва маконларда рўй берган воқеа-ҳодисалар акс этаётган бўлса-да, буларнинг бари бугуннинг дардлари билан узвий боғланган. Чунки ижодкор маълум жамиятда яшар экан, энг аввало, биринчи кузатув, ўрганиш, хулоса чиқаришни ўз муҳитидан олади. Бу борада самарали ижод қилаётган кўплаб устоз мақомидаги ва ўнлаб ёш ижодкорларнинг номларини эътироф этиш мумкин.

Шу маънода мамлакатимизда ижод аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликлар ва рағбатлантиришлар яқин орада ўзининг ижобий ва ижодий ҳосилини беришидан умид билдириш мумкин.

Шавкат ҲАСАНОВ, филология фанлари доктори.

Жаннатмақонимни кўринг

Бир келиб, дўстлар, бугун боғу бўстони кўринг, Аҳли дунё хайрати – Янги Ўзбекистонимни кўринг.

Кўхна элким, ҳар қадамда, ҳар кунни бунёд этар, Соҳибни шаҳру чаман – чин қахрамонимни кўринг.

Шиддати сарбон изидан ғайрату мақсад ила, Нурли манзилга борувчи катта карвонимни кўринг.

Кундузи шамси-зиё, тунлари моҳитобон, Тип-тиник қалбим каби кўк-осмонимни кўринг.

Қодирий юрт мадҳини куйламоқдан толмағай, Мадҳига ожиз калом – жаннатмақонимни кўринг.

Абдурахмон ҚОДИРОВ, меҳнат фахрийси, Булунғур тумани.

Сизга инсоф юз тутиб, «юз-юз»ламақдин тўхтангиз, «Юз»ламакка юз баҳона исламақдин тўхтангиз.

Бўлмангиз шайтон биланким, тошбўрон айланг уни, Ҳийлагарлик кўчасини кўзламақдин тўхтангиз.

Май ичингиз, дейди Ҳайём, май бўлак, «юз-юз» бўлак, Дилни майсиз қолдириб, сўнг бўзламақдин тўхтангиз.

Баъзи сўз беҳол қилурким, болдурур кимнинг сўзи, Ҳар сўза шаккар сепиб денг, тузламақдин тўхтангиз.

Ал Ҳасан дер, дунёнинг ёлгонлиги етмайди, Бас, етар, бас! Энди ёлгон сўзламақдин тўхтангиз.

Ҳасан АЛМАТОВ.

Мухаббат бу маним очган, вале ёпмас китобимдир, Юзин ифшо этиб аввал, кейин пинҳон ҳижобимдир.

Жунунлик тушди бу жонга, юрак тўлмиш қаро қонга, Тасанно айтсам имконга, ажаб, дийдор саробимдир.

Азал кўнглимга жойлабдир таваллудин бу ишқингни, Ўшал кундин дилим чўғдир, ўшандин кўз кўлобимдир.

Мушавваш бўлмаким, бу дард менин-чун оби ҳайвондир, Агар у йўқ, у дунё-ю бу дунё ҳам харобимдир.

Ситора тотса ўлдургай, бу майдин тотмаса, ўлгай, Мухаббат, бу нўш этмасдан хумор этган шаробимдир.

Ситорабону ШОМУРОВА.

Онам каби ягонаман сен, Қалбимдаги дурдонаман сен. Мард баҳодир, мардонман сен, Пок виждоним, боримсан, Ватан, Шарафимсан, шонимсан, Ватан.

Сен мен учун Аму, Сирдарё, Ҳар томчиси садаф, дур дарё. Кўнглим ичра бир нурли дунё, Етти иқлим ичра ягона, Шарафимсан, шонимсан, Ватан.

Алпомишдай ўғлонларинг бор, Юрагингда туғёнларинг бор. Сен ҳар ишда жасур бунёдкор, Танамдаги жонимсан, Ватан, Шарафимсан, шонимсан, Ватан.

Ёйсам етар ҳар ён қулочим, Ўғил-қизим парвозда лочин. Ҳавасдадур шаънингга очун, Қамолимга парвонам, Ватан, Шарафимсан, шонимсан, Ватан!

Нарзитош ЮСУПОВА.

ТўРТЛИКЛАР

Зукколинг – ақлинг чирок, У мўъжиза яратгай ҳар чоқ, Гар илмга иштиёқ қўйсанг, Толе сенга оғайдир кучоқ.

Сен бориға қилгин қаноат, Ҳақнинг ўзи бергай иноят. Магар ҳалол яшасанг, доим Кечмишинг ҳам топар ҳаловат.

Бекназар ОРЗИҚУЛОВ.

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

- Сени нега Какра дейишди? – ҳайрон бўлиб сўрабди Ёнтоқ. - Нима, мени ҳам Ёнтоқ дейишини, каллаварам? – зарда қилибди Какра.

- Одамларга ҳайронман, қаерда менга кўзи тушса бас, томирим билан сўғуриб ташлашади, – нолибди Ғумай. - Шундай қилмаса, фойдали экинларни нобуд қиласанда, хумпар, - дейишибди унга.

Нуриддин ЯҲЁЕВ, Иштихон тумани.

ОТАМНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

- Болани йиғлатишдан ҳузур, завқ оладиганлар бор орамизда, ўғлим. - Кексалиқда тўқилган армон-надоматли кўз ёшларидан кўра азоб йўқ бу ёруғ оламда. - Кексайган отани йиғлатган ўғил тириклигидаёқ дўзах бўсағасида бўлади. - Кексалиқ кўз ёшларида ҳўрлик бўлади, болам.

Муродим УМРЗОҚОВ.

Ҳаётдан фалсафа уққан олима

Моҳир педагог, жонқуяр мураббий, меҳрибон она, Самарқанд давлат тиббиёт институти гуманистар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Дилором Йўлдошева 70 ёшни қаршиламоқда.



Узоқ йиллар давомида институт хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасида ишлаб, қизларни оилага тайёрлаш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси йўлида қатор ишларни амалга оширди. Д.Йўлдошева фалсафага оид илмий мавзуларда изланишлар олиб бориб, миллатлараро муносабатлар, миллий ғоя, мамлакатимизда ёш авлод тарбияси каби мавзуларда 40 дан ортик илмий мақолалар чоп эттирди. Талабаларга билим бериш сифати ва самардорлигини

оширишга муносиб ҳисса қўшиб, 45 та ўқув услубий қўлланма ёзди. Жумладан, унинг «Фалсафада долзарб муаммолар» номли монографияси алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Д.Йўлдошева Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари федерацияси томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Дилором Йўлдошева ишда фидойи бўлиши баробарида оилада намунали бека, икки ўғил ва икки қизни жамиятга керакли инсонлар қилиб вояга етказди. Утган асрнинг 80-йилларида отасидан эрта айрилгани учун укаларига ҳам ота, ҳам она вазифасини ўтаган ёш Дилоромни ҳаётнинг ўзи синмас ирода, қатъият, фидойилик каби хислатлар билан сийлади ва доим йўлини ёритиб турди. Бугун олимани табаррук ёши билан қутлар эканмиз, у кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайми!

Яхшинор АЛЛАЁРОВ.



Жамила Равшанова қарийб ярим асрдан буён бемор болажонларни даволайди.

У Самарқандда сил ва бошқа касалликлар билан хасталанган болаларни соғломлаштиришга мўлжалланган махсус сиҳатгоҳда бош шифокор бўлиб ишлайди. Бугун ушбу масқанда 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган 250 дан ортик бола даволанмоқда.

Суратда: Жамила опа болажонлар қуршовида.

Қаҳрамон БЕРДИЕВ (фото).

Пахтачида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳоли велосипеддан фойдаланади. Кимдир ўқишга, ишга, дўконга, бозорга велосипедда боради. Ҳамширалар беморларни кўришга борганда, почтачилар хат тарқатишда ҳам ушбу транспорт туридан фойдаланишади.

Пахтачида велотураргоҳ бўлади



Аҳолининг бу эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда Пахтачи тумани маркази Зиёвуддин шаҳарчасининг Истикбол, Мустақиллик кўчаларида 7 километр узунликдаги велойўлаклар ташкил этилган. Ҳозирда Мевали, Соҳилбўйи кўчаларида ҳам велойўлак ташкил қилинмоқда. Амир Темур маҳалласида эса велосипедлар учун тураргоҳ қурилмоқда.

- Болалигимда велосипед хайдашни билмасдим, - дейди Махфуза Раҳмонова. - Зиёвуддин почта алоқа тармоғига хабарчи бўлиб ишга кирганимдан сўнг ўрганганман. Йигирма йилдан бери велосипедда ишга бориб келаман. Аҳолига газета, хат тарқатаман.

Муниса ШАМСИЕВА.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

10 СЕНТЯБРЬ Лапас АЛИБЕКОВ – (1938-2020) Ургут туманида туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор. Комил МЎМИНОВ – (1951-2021) Оқдарё туманида туғилган. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

12 СЕНТЯБРЬ Фурқат МИРЗАЕВ – (1966-2015) Тойлок туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, хонанда. 13 СЕНТЯБРЬ Фурқат ТОЖИЕВ – (1913-2001) Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Кимёгар олим. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.

Zarafshon Samarqandskiy Vestnik logo and address

MUASSIS: Zarafshon va Samarqandskiy vestnik gazetalari tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV. Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyati matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 12 561 nusxada chop etildi. Buyurtma 643. Gazeta haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.



QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi. Gazeta "Zarafshon" tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxanasida chop etildi. Korxonamanzil: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G. HASANOV. Navbatchi: O. XUDOYBERDIYEV. Sahifalovchi: B. ABDULLAYEV. Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X. 9 772 010 667 009